

I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ


Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-сентябрида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 8193,9 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан ўсиш суръати 104,8 фоизга тенг бўлди.

2018 йил январь-сентябрь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 133,1 фоизни ташкил қилди.

Январь-сентябрь ойларида республика ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	млрд.сўм		2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 йил	2018 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	5873,8	8193,9	104,8
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	5471,9	7334,3	104,7
Маҳсулотларга соғ соликлар	401,9	859,6	106,5
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	5471,9	7334,3	104,7
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	860,4	1193,8	100,8
Саноат (қурилишни қўшган холда)	2063,3	3029,7	103,7
саноат	1602,7	2437,2	103,5
қурилиш	460,6	592,5	104,4
Хизматлар	2548,2	3110,8	106,7
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	450,3	561,9	105,0
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	569,9	675,4	112,9
бошқа хизматлар	1528,0	1873,5	104,9

**Ялпи худудий маҳсулотнинг тармоқлар
бўйича таркиби январь-сентябр ҳолатига
(жасига нисбатан фоизда)**



Жорий йилнинг январь-сентябр ойларида республиканинг ялпи худудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири қурилиш (104,4%) тармоғидаги ялпи қўшилган қиймат хамда хизматлар (106,7%) ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 48,3 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди, бу кўрсаткич 2017 йил январь-сентябрида 50,8 фоизни ташкил қилди.

2018 йилнинг январь-сентябрида ялпи худудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 42,4 фоиз (2017 йил январь-сентябрида 46,6 фоиз)ни ташкил қилди.